



HURRIYAT

O'zingizni anglat!

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 11-dekabr, chorshanba * № 50 (854) * 1996-yil dekabrda chiqqa boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

2014 йили — Соғлом бола йили

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

3 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда “Лукойл нефть компанияси” очиқ акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Геном бўйича давлат рўйхати-га олиш тўғрисида”ги, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 54-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган йигит-қизларни орден, медаль, фахрий унвонлар ва “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

6 декабрь куни “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримов маърузаси тингланди. Кириб келаётган янги — 2014 йил Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилинди.

6 декабрь куни Оқсаройда мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ҳамда осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнатилган ва намуна кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник, маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга салмоқли ҳиссаси, профессионал маҳорати ва ёрқин истеъдоди билан спорт соҳасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони матбуотда эълон қилинди.



T. Istaitov. ЮЗНА. оғин сурат

Широқор — оиланинг дўсти

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма бир йиллиги тантанасида сўзлаган маърузасида соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти катта эканига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, мазкур тантанادا Юртбошимиз ташаббуси билан 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб номланиши шу пайтгача мамлакатимизда соғлом авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

зишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти катта эканига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, мазкур тантанادا Юртбошимиз ташаббуси

билан 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб номланиши шу пайтгача мамлакатимизда соғлом авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

3 >>

10 декабрь — Ўзбекистон Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

Ватанинг буюк қўшиғи

Давлатимиз рамзларидан бири — Маҳдия халқимизнинг нурли истиқболи, ёрқин келажаги ҳақидаги қўшиқдир. Унинг оҳанглирида, сўзларининг мазмун-моҳиятида мамлакатимиз тарихи, анъаналари, қадрият ва куч-қудрати ўз мужассамини топган.

Шунингдек, давлатимиз мадҳиясида юксак ватанпарварлик туйғуси, келажак авлодни умуминсоний кадрлар, миллий анъаналар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қодир кўтаринки руҳ мавжуд. Маҳдиямиз янграб экан, улуг ва тантанавор куй оғушида эркин ва озод Ватан, обод турмушимиз, халқимизнинг орзу-умидлари қалбимизнинг қатқатиға кириб боради.

Шуниси фахрлики, давлатимиз мадҳияси мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий, маданий ҳаёти, умуман, республикамизнинг энг муҳим тарихий тадбирлари олдидан фахримиз ва ғуруримиз бўлиб янграйди.

Маҳдиямизнинг бугун умумтаълим мактабларидан тортиб, барча ўқув юрларида янграши эса келажагимиз ворислари қалбида умуминсоний фазилатлар билан бирга, шу юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини уйғотиб келмоқда.

Айниқса, республика ҳамда халқаро миқёсда спорт мусобақаларида мамлакатимиз вакиллари, терма жамоаларининг голиблик шохсупасига кўтарилганда давлатимиз мадҳиясининг тантанавор янграши жаҳонда халқимизнинг тенглар ичра тенглигининг ифодаси сифатида қалбимизга катта ҳаяжон бўлиб урилади.

Бундан табиийки, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, мамлакатимизда яшаб турган ҳар бир шахснинг қалби фахр ва ифтихорга тўлади.

Зеро, маҳдия инсоннинг ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуларини жонлантриши билан ҳам буюқдир.

Холида ФАЙЗИЕВА

ОБУНА — 2014

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар! “HURRIYAT” газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажарётган хайрли ишларнинг фаол тарбиётчисидир. 2014 йил учун обуна давом этмоқда. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг. Обуна бўлинг!

Эслатиб ўтамыз:

“HURRIYAT”нинг нашр индекси — 233



“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Янги марралар сари

Олтин сандиқ



Навоий вилояти Яратган эгам томонидан бир ҳовуч бебаҳо бойликлар сочиб юборилган саний ва саховатли замин. Тупроғининг ҳар бир қаричида хазина яширин, ҳар қадамда ҳосил бўйлаб туради. Ҳатто чўлларидagi гиёҳлар ҳам шифо бағишлайди. Қумларида куёш акси жилоланади.

Зарафшон, Учқудук — ҳақиқий олтинпазлар шаҳарлари ҳисобланади. Хатирчи, Қизилтепа, Навбахор — олтин қўлли миришкор деҳқонлар маскани. Томди, Кони-мех — машҳур чорвадорлар юрти. Нурота — мрамари,

гранити, ҳунармандлари билан дунёга овоза бўлган талбаррук замин. Кармана — қишлоқ ҳўжалиги билан бирга жадал саноатлашаётган ҳудуд. Навоий шаҳри ҳақиқий бебаҳо хазиналар яратилаётган ва бунёд этилаётган ви-

лоятнинг тараққий топаётган маркази.

Мустақиллик йилларида Навоий вилояти ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнаш ва узлуксиз тараққиёт ҳамда бунёдкорлик йўлини белгилаб олди. Муҳтарам Президентимиз ҳар гал Навоий вилоятига ташриф буюрганларида бу саховатли замин ва унинг меҳнаткаш одамлари ҳақида ҳамisha самимият ва меҳр билан сўзлайдилар.

2 >>

Барқарор тараққиёт кафолати

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган ilk кунларданоқ сиёсий, маънавий, иқтисодий, ижтимоий жабҳаларда амалга оширилган демократик ўзгаришлар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциянинг мазмун-моҳиятида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топгандир.

Конституциямиз қабул қилинганнинг йигирма бир йиллиги арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби алоқачилар ҳарбий қисмида ҳам «Конституция — барқарор тараққиётимиз кафолати» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раисининг ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари Мажид Умаров, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюشمаси раиси, мазкур кенгаш аъзолари — Шерзод Фуломов, Халқ таълими вазирининг ўринбосари Абдухолиқ Холбоевлар Асосий Қомусимизнинг инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратилган жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Ҳарбий қисм ҳудудига ташриф буюрган меҳмонларни бир гуруҳ мuddатли ҳарбий хизматчилар кутиб олишди. Аскарлар ва меҳмонлар ўртасида ўзаро суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раисининг ўринбосари М.Умаров аскарлар билан мулоқоти давомида бундан қирқ йил аввал айнан ушбу ҳар-



бий қисмда хизмат қилганини айтиб, ўша пайтдаги ва ҳозирги шароитлар ўртасида катта фарқ борлигини ҳамда ҳарбийларимиз учун яратилган бундай имкониятларни кадрига етишни таъкидлади. Кенгаш аъзоси Ш.Фуломов тадбир мавзуси Бош Қомусимизда юртимиз ёшларига катта эътибор қаратилганини, айнан уларнинг Ватанимиз тинчлиги йўлида ўтаётган мuddатли ҳарбий хизмат ҳам Конституциямизда белгилаб берилгани ва бу ҳар бир ўзбек йигити учун шараф эканини айтди.

— Бугунги тадбирга нафақат ҳарбий хизматчиларни, шахарчамида истиқомат қилаётган уларнинг оила аъзоларини ҳам тақдир этганмиз. Мақсадимиз аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, Конституциянинг қабул қилиниши ўзбек халқининг озодлик, эркинлик ва демократик, ҳуқуқий жамияти қуриши йўлидаги тантанаси эканини, уларнинг онгига чуқур-

роқ синдиришдир, — дейди подполковник Аваз Қорабоев меҳмонларни қарши олар экан.

— Мана йигирма бир йилдирки Конституция юртимизда ижтимоий-сиёсий тотувликни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг гарови бўлиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, Бош Қомусимиз осуда ҳаётимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб, унинг ғояси, асосий принцип ва қоидалари умумэътироф этилган халқроқ талаблар билан бирга, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган миллий қадриятларини ҳам ўзида муҳасамат этгандир. Унинг амалдаги ифодаси сифатида давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрдаги Қарори билан Мудофаа вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашининг вазифалари, мақсади ҳарбийликдек шарафли касбда фаолият юритиб, Ватан

ҳимоясида турган юртнинг асл фарзандлари билан мунтазам муносабатда бўлиш, уларни фидокорона хизматларга ундаш, маънавий рағбатлантиришдан иборатдир.

— Биз ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қароқатланган Конституциямиз ҳақида бугунги тадбир орқали янада кўпроқ билимга эга бўлдик, — деди оддий аскар Аҳрор Мирзақуллов. — Ўзим ҳам маърузачиларга бир қатор саволлар билан мурожаат қилиб, керакли жавоб ва шарҳларни олдим. Бу хизматим мобайнида менга асқотиши табиий.

Учрашув сўнгида Куролли Кучлар марказий ашула ва ракс ансамбли санъаткорлари, таниқли эстрада хонандаларининг диеторлар куй ва кўшиқлари, мафтункор рақслари тадбирга янада файз ва байрамона кайфият бағишлади.

Аҳрор ОЧИЛОВ

Халқимизда “Эр йигит Ватан учун туғилади”, деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам хонадонларимизда ўғил фарзанд воляга отар экан, унинг қалбига мардлик, жасурлик, Ватанга, ота-онага муҳаббат, юртга садоқат туйғулари сингдириб борилади.

МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Бугунги кунда замон талабларига жавоб берадиган Куролли кучларимиз сафидаги ўғлонлар ана шундай фазилатларга эга, десак адашмаймиз. Уларга ҳавас қилиб, ҳарбий хизматга боришни ва фарзандлик бурчини адо этишни истаётганлар сафи кундан кунга кенгайиб бораётгани қалбимизга чексиз гурур бахш этади.

Мамлакатимиздаги ҳарбий қисмларда бўлиб, ўз йигитлик бурчини адо этаётган ватанпарвар аскарларимиз билан суҳбатлашсангиз, ҳар бирининг қалбиде юртга бўлган чексиз меҳр туйғуси жўш уриб турганининг гувоҳи бўласиз.

— Ортимиз мустақилликка эришган, ўз куч ва салоҳиятига таянган, сарҳадлари тинч ва осуда, халқи ҳаётини ҳимоялашга қодир, шу билан бир қаторда, барқарор суруятлар билан ривожланиб бораётган суверен давлатга айланди, — дейди Навоий вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирининг 3-батальон командири Музаффар Маманов. — Бугун Ватан олдидаги бурчини юксак масъулият билан адо этаётган аскар йигитларнинг барчаси махсус тайёргарликдан ўтказилади ва бу сарҳадларимизни мустаҳкамлашда жуда муҳим.

Шу кунларда у ерда бўлиб, соҳада олиб борилаётган ислохотлар, ўғлонларимизга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик.

Хоразмлик аскар Маҳмуд Маҳмудов “Ватанга хизмат қилишдан ортиқ бахт борми дунёда?!” Минг шукурки, юртимиз тинч. Қолаверса, Юртбошимиз томонидан бизга қўрсатилган гамхўрликнинг чеки йўқ. Бу эса

биз ҳарбийларга алоҳида куч-ғайрат бағишлайди. Хизматга янада масъулият билан ёндашиш, доимо ҳушёр бўлишга ундайди”, дея таъкидлади биз билан суҳбатда манмулик билан.

Бу каби мардликда тенги йўқ йигитларнинг жасорати ҳақида қанча гапирсак оз. Ботирликда Алпомишнинг издоши, куч-ғайратда Амир Темурнинг ворислари бўлган бундай йигитлар бугун ҳар соҳада илдам.

— Куролли кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, армияда соғлом муҳитни қарор топтириш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлик даражасини янада юксалтириш, сафларимизни замон талабларига жавоб бера оладиган, теран фикрлаш қобилиятига эга кадрлар билан тўлдириш соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг асосини ташкил этади, — дейди шу батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Акбаржон Шукуров. — Шунингдек, асосий вазифамиз Ватанга фидойий, мустақиллик ғояларига содиқ, интеллектуал тафаккури кенг, мураккаб тактик вазиятларда тезкор ва аниқ қарор қабул қила оладиган кадрларни тайёрлашдан иборат. Ана шу мақсадларни қўзда тутган ҳолда ҳарбий қисм таркибидеги батальонлар ўрта-сиз ўзаро мусобақалар ташкил этиб бораёلمиз ва бу ўз самарасини бермоқда.

Ҳа, мардлик, жасорат ва шижоат она юрт ўғлонларига отамерос фазилат. Эр йигитнинг ори, гурури қалбда жўш уриб туриши даркор. Зеро, Ватанни кўз қароғидек асраш уларнинг шарафли бурчидир.

Зилла ИБРОҲИМОВА

Соғлом муҳит — соғлом бола

Шифокор — оиланинг дўсти

Болаликда хархаша қилаверсак, катталар “Ана, дўхтир келаяпти”, деб кўрқитишарди. Қизиғи, умрида бир марта укол олмаган бола ҳам дўхтирдан негандир ҳайиқарди. Хуллас, қишлоқ марказидаги деворлари наридан-бери оқлаб қўйилган бино яқинига кўп ҳам йўлайвермасдик.

Яқинда касб тақозоси билан пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 35-оилавий поликлиникага йўлим тушди. Ота-онаси ҳамроҳлигида тиббий кўриқдан ўтиш учун келган болажонларнинг муассаса ҳовлисида қийқириб уйнаб юрганини кўриб, болаликдаги ўша воқеалар беихтиёр эсимга тушди.

Биз тилга олаётган тиббиёт маскани айни пайтда тумандаги 16 минг 800 дан ортиқ оилага, яъни 41 минг 600 дан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Янаям аниқроғи, шифо маскани жамоаси ҳудудда истиқомат қилувчи 30 мингга яқин катта ёшли фуқаролар, 11681 нафар бола, 2071 нафар ўсмирлардан зарур тиббий ёрдам ва тегишли маслаҳатларини аямаяпти. Қолаверса, 12 та мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, 4 та коллеж ҳамда 4 та мактабнинг ўқувчилари соғлигининг назорати мазкур поликлиника ходимлари зиммасида.

Юртимиздаги барча бирламчи тиббиёт бўғинларидаги сингари бу ерда ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари билан мустаҳкам алоқа йўлга қўйилган. Маҳаллалар қошида ташкил этилган саломатлик шўбалирида “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти, “Нуроний” жамғармаси, Республика хотин-қизлар кўмитаси, “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси каби давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, қолаверса, поликлиниканинг кўплаб тажрибали шифокорлари аҳоли тиббий маданиятини ошириш ҳамда соғлигини муҳофаза қилиш мавзуларида маърузалар

қилишмоқда. Бундай тадбирларда миллий ахлоқий мейёрларга риоя қилиш турли хавфли касалликларга учра-маслигимиз гарови экани, соғлом турмуш тарзи асосида яшаш нафақат ўзимиз, балки яқинларимиз, фарзандларимиз саломатлигини асрашнинг энг самарали йўли эканлиги бот-бот таъкидланмоқда.

— Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг шу йил май ойидаги 161-сонли буйруғига асосан уй патронаж-ни ташкил этганмиз, дейди оилавий поликлиника бош шифокори Саодат Хамидова. — Унга кўра, маҳалла шифокори ва ҳамширалари ўзларига бириктирилган ҳар бир хонадоннинг ижтимоий-тиббий аҳолидан хабардор бўлиб, мавжуд муаммолар ҳақида ёзма равишда маълумот беришади. Айтилик, бир беморнинг даволашига, дори-дармон олишга моддий имконияти етмаяпти. Ёки қайсидир унинг санитария аҳоли яхши эмас. Биз мана шу каби маълумотларни маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқолларига етказамиз ва уни бартараф этиш учун зарурий чоралар кўрилади. Шунини алоҳида айтиш керакли, ҳафта-нинг ҳар бир кунда маълум йўналишда иш олиб борилади. Ҳар бир кун учун папка ажратилиб, бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳамда



улар ижроси юзасидан маълумотлар тартиб билан тикилади. Агарда бир маҳаллага олти нафар ҳамшира бириктирилган бўлса, уларнинг ҳар бири кун давомида олти нафар хонадонга кириб, уларга зарур тиббий ёрдам ва тавсияларни беради. Шу билан бирга, мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳақида ўз кундалик дафтарида қайд қилади ва ёзма ҳисобот беради.

Эътибор беринг-а: маҳаллага бириктирилган олти нафар ҳамширанинг ҳар бири олти нафар хонадонга кирса, бу бир кунда 36 хонадон қамраб олинди, дегани. Бир хонадонда ўртача 4 киши истиқомат қилса, 144 нафар ҳамюртимиз ўз уйда тиббий маслаҳатдан баҳраманд бўлмоқда. Назаримизда айни шу йўл билан шифокорлар ва аҳоли орасида яқинлик, ўзаро ишонч пайдо бўлиб, одамларнинг тиббий саводхонлиги ошиб бораверади.

Нуронийлар кунини деб белгиланган душанбада барча шифокор ва ҳамширалар ота-

хон-онахонларга зарур тиббий хизматларни кўрсатиш учун уларнинг хонадонларига йўқлаб боришмоқда. Шахсий овқатланиш, касалликларнинг олдини олиш, дори-дармонлардан оқилона фойдаланиш каби мавзулардаги мулоқотлар кесаларга, айниқса, ман-дур бўлмоқда. Ҳомиладор аёллар кунини деб белгиланган сешанбада соғлом оналик ва бехатар туғруқ каби мавзуда тушунтириш ва тарғибот ишлари амалга оширилади.

Бугунги кунда миллат генофондини мустаҳкамлашга қаратилган “Соғлом она - соғлом бола” концепцияси ўзининг ажойиб меваларини бераётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Мазкур дастур асосида ўтган йиллар мобайнида кенг қўламли чоралар бириктириш ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Инчунин, юртимиздаги барча ҚВПлар ва оилавий поликлиникаларда болалар саломатлигини асраш борасида катъий талаб белгиланган бўлиб, уларнинг

соғлиги борасидаги барча муаммоларга ушбу шифокори масъул ҳисобланади. Шамоллаш ва юқумли касалликлар аваж қиладиган айни шу кунларда болаларни улардан ҳимоялаш зарурати кунанди. Бу ҳақда оилавий поликлиника педиатри, иммунолог Нодира Урдабоева шундай дейди: «Киш мавсуми арафасида болаларнинг иммун тизимини мустаҳкамлаш чораларини кўриш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Одатда иммунитетни паст одамлар шомоллаш ва вирусли касалликларга тез-тез учрайди. Чоршанба — болалар ва ўспиринлар кунини бўлиб, ота-оналар билан фарзандларнинг овқатланиш рацционига эътиборли бўлиш, мавсумга мос кийинтириш, қолаверса, уй-рўзгор тозаллиги, шахсий гигиена қоидалари мавзуларида суҳбатлашмиш. Шунингдек, қабулимизга келётган барча болалар ва ўспиринларга касалликлар профилактикаси борасида зарур маслаҳат бериб бормоқдамиз».

— Вирусли касалликка ча-линган беморнинг ҳарорати кўтарилиб, ўзини лоҳас ҳис қилади, дейди юқумли касалликлар шифокори Малика Қодирова. — Ана шундай шикоят билан бизга мурожаат қилганларга керакли тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Зарур бўлганда ётиб давола-ниш учун шифохонага йўлан-ма берилмоқда. Аммо биз, аввало, касалликни даволаш учун олдини олиш та-рафдоримиз. Шу боис маҳал-лалар, коллеж ва мактаблар-да турли юқумли касаллик-лардан эҳтиёт бўлиш чорала-ри ҳақида давра суҳбатлари уюштираялмиш. Чунончи, гриппга қарши эмлашнинг зарурати ва фойдаси ҳақида ҳам маълумот бермоқдамиз.

Дарвоқе, юқумли касаллик-ларнинг олдини олиш мақса-дида хонадонлардаги ошхо-на, молхона ва бошқа жой-ларни тоза сақлаш, уйлар ат-рофини ободонлаштириш бо-расида поликлиника шифо-корлари томонидан ҳафта-нинг ҳар пайшанба кунини ту-шунтириш ишлари ўтказил-моқда. Қолаверса, бу маҳал-ланинг тозаллиги ва ободли-гига ҳам сабаб бўлмоқда.

Поликлиникада ҳар жума аёллар ва қизлар кунини ҳисоб-ланади. Шу кунини шифокорлар томонидан хотин-қизларнинг соғлиги ўз уйларида назорат-дан ўтказилиб, зарур тавсия-лар берилади. Ёшларни оила-га тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида қизлар ва улар-нинг оналари билан суҳбат-лар, шунингдек, тенгдош-тенгдошга тамойили асосида тадбирлар уюштириш мунта-зам йўлга қўйилган. Шанба кунини эса тиббиёт ходимлари маҳалла ҳудудидеги таълим муассасаларида бўлиб ўқу-вчиларда гигиеник саломат-лиқни шакллантириш, зарур-ли оdatлардан узоқ юриш, спорт билан дўстлашиш, ка-салликлар профилактикаси, эрта ҳамда қариндошлар ора-

сидаги никоҳнинг салбий оқибатлари каби мавзуларда маърузалар ўқишади. Зотан, бундай тадбирлар ёшларни-нинг тиббий маданиятини ошириш баробарида маъна-вий дунёсини ҳам бойитиши-га шубҳа йўқ. Бу борада бош шифокор ўринбосари Лариса Тен, терапия бўлими бошлиғи Моҳира Султонова, умумий амалиёт шифокорлари Муяссар Исмоилова, Замира Ҳожиева, аёллар шифокори Наргиза Қиличева, катта ҳам-шира Холида Фуломова ва бошқа фидойи тиббий ходим-ларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Мазкур оилавий поликли-никада амалга оширилаётган хайрли ва эзгу ишларни кўриб кўнглимиз тоғдай кўта-рилди. Эл соғлигини ҳимоя-лаш йўлидаги бундай сайё-ҳаракатларнинг бутун мамла-кат бўйлаб қизгин кечаётга-нини тасаввур қилсак, соғ-ломликни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг қудратли куч-ини яққол кўрамиз.

— Поликлиникага яқин “дом”да яшаймиш, дейди ўзини Муниса Жўраева деб таништирган аёл. Қизим сак-киз ёшда. У шамолласа ёки бирор жойи оғриб қолса, мен ишдалигимда ҳам ўзи бу ерга келиб, оилавий шифокори-мизга учрайди. Ростини айт-сам, у мендан кўра шифокор опасига кўпроқ ишонди.

Чиндан ҳам, бугунги бола-лар дўхтирдан кўрқмайди. Чунки бу шифокорлар укол қилиш ёки ачкадор бериш учун эмас, балки юртимиз эр-таларининг соғлигини назорат қилиб бориш мақсадида улар-ни йўқлайдилар. Хатто, шу оилага дахлдор инсон, яқин қон-қариндоши сингари улар-га гамхўрлик қилишади. Зо-тан, тизимда олиб борилаёт-ган барча ислохотларнинг тўб замирида ҳам айни шу хайр-ли истак муҳасам.

Ситора ТОЖИДИНОВА,
“Hurriyat” мухбири

“Тафаккур” саҳифаларида



журналининг “Обод турмуш йили”даги сўнги, 4-сон босмадан чиқди. Мазкур сон ранг-баранг мавзудаги ихчам, аммо мазмундор материаллардан таркиб топгани билан аввалгиларидан фарқ қилади.

Дарҳақиқат, журналини варақлашданок ундаги ҳар бир сўхбат, мақола ва ҳатто қайда бугунги шиддатли замоннинг чигал саволларига жавоб изланганига шохид бўласиз. Илм фидойиси Абдулла Аъзамнинг “Риёзат чекмасунча...” сарлавҳали сўхбатидан фан тараққиёти ва олим маънавияти мавзуда баҳс юриштилади. Абдурахим Эркаевнинг “Курашади икки тўлқин...” туркумидаги иккинчи мақоласида эса элитар ва оммавий маданиятнинг ўзаро таъсири оқибатида содир бўладиган интерференция, яъни сўниш ҳодисаси тадқиқ қилинган.

Шу кезларда дунё аҳли икки буюк мутафаккир — маърифатчилик даҳоси Дени Дидронинг 300 йиллик ва экзистенциализм намояниси Альбер Камюнинг 100 йиллик таваллуд саналарини байрам қилаётир. Дидро эстетикасида муҳим ўрин тутган “Даҳо” мақоласининг таржимасини ҳамда Вик-

тор Алимасовнинг “Альбер Камю: ҳаёт мутлақ бемаъни эмас” мақоласини чоп этиш билан ушбу фикр алпарига чуқур эҳтиром кўрсатилган.

Гоҳо биргина тасодифий учрашув инсон қалбини умр бўйи ларзага солиб ўтади. Бундай мулоқот ҳар қандай жойда, чунинчи, поездда-да рўй бериши мумкин. “Сафарга отланибсиз, йўл бўлсин, биродар?” деган оддийгина сўроқдан бошланган сўхбат баъзан инсон ва ҳатто миллатнинг ўзлигидек илдизи чуқур мавзуларга бошлаб кетса не ажаб. Мансурхон Тоировнинг “Поезддаги бир ўзбек” мақоласи киши қалбида ана шундай бедор фикрлар кўзгади.

Жаҳонро беғим дунёнинг энг гузал севиқ қасри — Тожмаҳалнинг бунёд этилишига сабаб бўлган Шоҳ Жаҳон ва Мумтоз Маҳал муҳаббатининг меvasи. Оила қурмай танҳо умр кечирган малика руҳий-маънавий камолот йўли — тасаввуфга қаттиқ кўнгул боллаган. У “Соҳибия” рисолада ўзининг шикти илоҳий йўлидаги ботиний изланишларини баён этади. Журналда мазкур асардан Ансориддин Иброҳимов ҳамда Сўйима Ганиевалар таржимасида нарча эълон қилинган.

Булардан ташқари, “Шарқу фарб фалсафаси”, “Маъно ва моҳият”, “Жавондаги жаҳоҳир” каби руқнлар остида ҳам мароқ билан ўқиладиан, ҳам жиддий ўйга толдирадиган мақолалар чоп этилган. Хуллас, ҳаққимиз тилидаги машҳур нақли бир оз ўзгартириб айтсак, минг бор эшитгандан бир бор... ўқиган афзал!

► Нима дейсиз, замондош?

РИЁЗАТ ЧЕКМАГУНЧА...

Профессор Абдулла АЪЗАМ билан сўхбат

«...» Илмий тадқиқот натижаси, образли қилиб айтганда, фан “маҳсулоти” ёки “хизмати”нинг сифатини ўлчаш мумкинми? Бу муаммо иқтисодийтадқиқот сифат муаммосидан бир неча баробар мураккабдир. Нафсиларми, ушбу масала ўз ҳолига ташлаб қўйилгани йўқ, бу борада муайян изланишлар олиб бориляпти. Илмий мақола-нинг сифатини баҳолаш, ундан неча марта иқтисоди олинганини аниқлаш учун Citation index, илмий журналлар савиясини (бу ҳам аслида сифат) белгилаш учун эса эса impact factor каби кўрсаткичлар жорий этилган. Шунга қарамай, таассуф-ла айтиш жоизки, илмий тадқиқот сифати ва савиясини белгиловчи аниқ кўрсаткич ҳам, методология ҳам ҳозирча топилгани йўқ. Бу борада аҳоли ўша шўро иқтисодиёти инқирозидоғига ўхшайди — журналлар сўний равишда импакт факторини кўтаришга зўр беради, бир гуруҳ муаллифлар “кооперативлашиб”, бир-бирининг мақоласидан иқтисоди келтиришни кучайтиради ва ҳоказо. Қарабсизки, “сифат кўрсаткичлари” омонга ўрлайди, аммо соф илмий нуқтаи назардан, мазмун ҳаминқадар.

Илмий тадқиқот сифати ва илмий ҳодим савиясини мақолалар сони билан ўлчашга уриниш фаннинг тағига сув қўйиш билан баробар. Битта 20 саҳифали мақола 100 та 5 бетли мақолага нисбатан салмоқлироқ, биргина 5 бетли тадқиқот эса 100 саҳифали монографиядан аҳамиятлироқ бўлиши мумкин.

«...» Илмий тадқиқот учун мавзу танлаш “фан ҳақидаги фақ бўла оларди. қолган саккиз-тўққиз талабгорнинг уч йиллик умри, унга сарфланган давлат бюджети ва оилавий бюджет харажатлари самарасиз кетар эди. Шунинг учун аспирант уч йил ичида эришадиган натижалар аввал-бошдан режалаштирилган (илмий раҳбардан бу ҳатто талаб қилинган). Лекин уч йилда ечилиши олдидан маълум муаммони фундамен-тал табиатли деб бўларми-кан? Эътироф этиш лозим: аспирант олдига уч, борингки, беш йилда уйдalasа бўладиган мавзу қўйилиши умуман олганда тўғри бўлган. Чунки у номзодлик диссертацияси-ни тайёрлаш жараёнида илмий тадқиқот методологияси билан танишган (айни чоқда, билимини чуқурлаштирган). Тегшли илмий даража “фан номзоди” деб аталганининг сабаби ҳам шунда. Кейин му-айян илмий тадқиқот макта-бини ўтган олим ўз имкония-ти, иқтисодини ҳисобга олиб, докторлик диссертацияси усти-да иш бошлаган. Бунга ўрта ҳисобда 10-15 йил (айрим ўта иқтисодли фан номзодлари-гина қисқароқ) муддат сарф-лаган. Фақат шу босқичдаги-ан аввалдан режалаштириб бўлмайдиган фундаментал тадқиқот мавзусини танлаш имконияти бор эди. (Мазкур мулоҳазалар аниқ ва табиий фанларга доир; ижтимоий-гу-манитар соҳада номзодлик ҳимоясидан бир йил ўтар-ўтмас докторлик диссер-тацияси “столга қўйилган” ми-соллар бор — бундай “жасо-рат”нинг чинакам илм-фанга алоқаси йўқ.)

Олий малакали илмий-педа-гог кадрлар тайёрлаш ти-зимининг ислоҳоти натижаси-да ёш тадқиқотчиға уч йил ичида бирварақайига доктор-лик диссертациясини ёқлаш талаби қўйилди. Демак, энди номзодлик эмас, балки док-торлик диссертацияси мав-зуи шу талабга асосан тан-ланган: тадқиқот натижаси аввалдан режалаштирилган ва шунинг учун фундамен-таллик хусусиятидан йироқ бў-лади.

«...» Биз камида 60 йил шўро тузуми қурган “темир девор” ичида яшадик. Бу ту-зум мамлакат иқтисодиётини таназзулга олиб келди (СССР иқтисодиётининг 80-йиллар-даги ҳолати “депсиниш” деб аталди, депсинган одам ол-динга юрмаса ҳам, ўрнида ту-ради-ку, СССР иқтисодиёти эса орқага қараб кета бош-лаган эди). Ўзбекистон му-стақилликни қўлга киритган даврни кўз олдимиғза келти-рилик: пахта монокультура-си, хомашё этиштиришга их-тисослашган ишлаб чиқариш, ўта мураккаб демографияқ ҳолат, дунё портларига чиқиш ноқулайлиги каби муаммолар-ни санаб адоғига этиш қийин эди. Устига-устак, буларнинг бари қалтис ижтимоий-сиё-сий жараёнлар, чегаралари-миз дахлсизлигини таъмин-лаш, экстремизмнинг турфа кўринишлари ва геосиёсий ўйинларга қарши туриш, 80-йилларда авж олган банди-тизмни бартараф этиш шароитида ҳал қилиш зарур бўлган. Ушти даврининг ўша оғир палласида “миялар оқими” ҳодисаси бизгача етиб келди (бу жараён Ҳин-дистонда мустақиллик эълон қилингандан бошлаб кузатил-ган, кейинроқ Япония, Хитой ва бошқа мамлакатларга ҳам кўчган). Утган йиллар даво-мида Ўзбекистон улкан тари-хий йўлини босиб ўтди. Бугун-


► Хориж тажрибаси

Тасаввур қилинг. яшаб турган уйингиз ёни-даги ёки бекатингиздаги “киоск” олиб ташлан-ди. Хўш, бундан, қай ҳолга тушасиз? Очиги, матбуот нашрларини тарқатувчи бу шохобча-ларсиз ҳаётимиз кемтик бўлиб қолиши турган гап. Тўғри, газет, журналсиз куним ўтади, дегувчилар ҳам топилади. Назаримизда, улар-нинг бу ҳолатлари ҳам кулгили, ҳам ачинарли. Киоскларсиз ҳаётни кўз олдимиғза гавдалан-тиришга уринганимиз бежиз эмас. Аниқроғи, киосклар мавжуд бўлмаган замонларда ҳам газета-журналлар чоп этилган ва улар ўз ўқувчиларига етиб борган.

ЎЗИ МЎЪЖАЗ, ХИЗМАТИ БЕҚИЁС

Кўрганамиз, ўтмиш воқеаларини акс эт-тирган киноларда қўлида бир кучоқ газета кўтариб ол-ган, ҳарф танимаса-да, газетадаги шов-шувли мақола сарлавҳаси-ни ёд олиб, одамларни га-зета сотиб олишга ундаёт-ган хув ўша юпунгина бо-

маблагни ҳам тежаши аниқ. Боз устига, шаҳар бўйлаб, “Metro”ни ўқидингми? Бош-қалида бир кучоқ газета кўтариб ол-ган, ҳарф танимаса-да, газетадаги шов-шувли мақола сарлавҳаси-ни ёд олиб, одамларни га-зета сотиб олишга ундаёт-ган хув ўша юпунгина бо-



лакайни эсласангиз керак. Ўша шумтақалар ўз даври-нинг жонли киосклари бўлишган.

Бугун нашрларнинг бу йўсиндаги сотуви тамомила йўқолиб кетган, дея олмай-миз. Бундай қўлма-қўл га-зета тарқатишдан таҳрири-ятлар ҳозир ҳам реклама ўрнида фойдаланишмоқда. Янги ташкил топган нашр одамлар гавжум жойларда текинга газета улашиб, қай маънодадир ўзини таниш-тирмоқда. Нашр ададини ошириш мақсадида акция-лар уюштириб, ютуққа газе-та совға қилиш кабилар ҳам жаҳон матбуоти тажрибаси-да кўп учрайди. Дунёда тел-лат қуриш олий инсоний сао-дат эмасми?

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ

► ХАЗИНА

Жаҳонро БЕГИМ

«...» Масжидда таҳажжуд намози-ни адо қилиб, хонамга келдим-да, бир бурчакда қиблага юзланиб, Мул-ла Шохнинг сиймосига диққатини тўп-лаб, ҳазрат Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳамда саҳобалар ва авлиёларни та-саввур қилиш билан машғул бўлдим. Кўнглимда мен Чинтия силсиласида муридман, энди эса Годирия машра-бига кирдим, шунинг учун қушойи-шга эга бўлармиканман ҳамда ҳазрат Мулла Шохнинг талқин ва ҳидоятларидан менга наф бўлармикан, деган гашлик бор эди. Ўша аснода менда шундай бир ҳолат юз бердики, у на бедорлик эди ва на уйқу. Мен ҳазрат Рисолатпаноҳнинг (с.а.в.) муқаддас мажлисларини кўрдим, унда саҳобаи киром ва буюқ авлиёлар ҳам ҳозир эдилар. Чаҳорёр ҳамда акобир саҳо-балар жамоаси Онҳазратнинг (с.а.в.)

хизматига муштоқ турар эдилар. Шу мажлисда Мулла Шох ҳам бор эди ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) муборак қадамларига бошини қўйган эди. Он-ҳазрат (с.а.в.) марҳамат қилдики, “Эй Мулла Шох! Сен теурийлар чирогини равшан қилдинг”. Мен вадҳ ҳола-тидан қайтганимда бу хушхабардан кўнглим тоқдек кўтарилди.

«...» Муршидимнинг барокоти ту-файли мен Онҳазратнинг (с.а.в.) му-борак оғизларидан “Эй Мулла Шох! Сен теурийлар чирогини равшан қилдинг”, деган сўзни эшитдим. Ме-нинг шубҳамни йўқотиш учун шун-дай қилинганини тушундим.

Амир Теуур наслидан фақат биз ака-сингилгина ана шундай саодат-га мушарраф бўлганмиз. Салафла-римиздан ҳеч ким Оллоҳ талаби, ҳаққи излаш йўлини тутмаган. Мен

СОҲИБИЯ

Рисоладан нарча

буюк давлатга эга бўлганимдан кей-ин Яратганга минг бор шукр қил-дим. Севинчимнинг ҳеч чек-чегараси йўқ эди. Мулла Шохга эътиқодим жуда ошиб кетди ҳамда мен ул зот-ни иккала дунёимда раҳнамоим ва раҳбарим деб билдим.

«...» Кашмирдан жўнаб кетишдан икки-уч кун аввал, пайшанба куни шом намозидан сўнг мен ҳазратнинг муборак сиймосининг тасаввурда мушоқабига ўтирдим. Мушоқабда ҳазратни аниқ кўрдим ва елкасидаги дупаттани менга марҳамат қилди. Эрта саҳар уйғонганимда, кўнглимда бир ариза орқали мушоқаб қилиб, ўша дупаттани зоҳирда ҳам сўрай, деган истак пайдо бўлди. Шу аснода ҳазратнинг хизматиға бориб туради-ган менинг Хожа саройим келиб айт-дики, “Кеча ҳазратнинг хизматиға борган эдим, шом намозидан кейин ул киши муборак елкаларидан дупат-тани олиб менга берди-да, “Ма, фа-лончиға олиб бориб бер”, деб айт-ди”, дея уни қўлимга тутқазди. Мен Хожа саройдан дупаттани олиб, кўзла-римга сурдим ҳамда гоғтада сурроғ тўлдим. Бунга ўхшаш қароматлар ул зотнинг оддий қароматларидан ҳамда ул зот уларни ошкор қилиш-дан ижтиноб қилади. Менинг топши-ригимга кўра бир шоир ҳазратнинг таърифиди мана бу рубоийни ёзди:

Эй ҳастийий ту ҳастийий мутлақ зашта, Асрори нихон бар ту муҳаққаж зашта, Хўжат зи ту ҳостам ҳақ ҳостан аст, Чун жумлаи сифотат сифати ҳақ зашта.

(Сенинг мавжудлигинг абдий мавжудлик бўлди, яширин сирлар сенда ҳақиқатга айланди. Сендан ҳоҳат исташлик — ҳаққи исташлиқ-дир, чунки сифатларинг ҳақ сифатла-риға айланди.)

Сўйима ГАНИЕВА ва Ансориддин ИБРОҲИМОВ таржимаси


► Устозлар дейдики...

ТАҲРИР НИМА?

Таҳрир нимадан бошланади? Би-ринчи галда материални тугал ўқиб чиқиб, ташхис қўйиши керак. Берса бўладими-йўқми? Материалнинг қаери буш, уни қандай ишлаш, унглаш керак? Қаерини қандай таҳрир қилса, материал очилади? Шу каби саволларга жавоб топган-дан кейин таҳрирни бошлаш керак.

Чунки материалнинг бошида учраган, лекин сизга тушуноқ-сиз туолган сўз ёки жумла мақоланинг охирида ойдин-лашиши мумкин.

Бадий асар тугал, оддий мақо-лага ҳам жонли деб қараш лозим. Кўпчилик матбуот ходимлари таҳ-рир ҳам иш бўптими, деб, қўлига тушган материални бошдан бўяб-бежашга киришади. Бу таҳрир эмас, балки тахирлик, материал-



бузилади. Таҳрирнинг шу каби но-зик хижатлари кўп.

Носир ФОЗИЛОВнинг “Юксақ маъсулият” мақоласидан. (Қадр. «Маънавият» нашриёти, 2009 йил).


PS: Ҳурматли муштарий, айни пайтда мам-лакатимиздаги барча алоқа бўлимларида “Hurriyat” газетасига обуна давом этмоқда. Севимли газетангизга обуна бўлишини унутманг. Яна бир муҳим хабар газетхонларнинг талаб ва истақларига биноан янги — 2014 йил 1 январ-дан “Hurriyat” газетаси барча матбуот дўкон-лариға савдоға чиқарилади. Марҳамат, харид қилинг, ўқинг ва ҳамроҳларингизға ҳам ҳади қилинг.

Моҳира ОТАБОВЕВА, «Hurriyat» мухбири

Шарҳ

Истиқболда муқобил энергия

Кейинги ярим аср мобайнида сайёрамызда экологик хавф-хатарлар миқдори ортиб бораётгани мутахассис-олимларни жиддий ташвишга солаётир. Иқтисодий тарраққиёт мақсадларида энергиядан фойдаланишнинг мезъеридан ортиб кетиши муаммонинг асосий сабаби сифатида эътироф этилмоқда. Ёқилғининг органик турларидан фойдаланувчи электр ва иссиқлик станциялари ҳамда ички ёнув двигателларидан чиқаётган зарарли газлар туфайли атроф-муҳит ифлосланмоқда. Йиллар давомида атмосферага зарарли моддалар қолдиқларини катта миқдорда чиқариб юборилиши натижасида озон қатламга путур етган. Ерда эса глобал энергия танқислиги вужудга келмоқда. Натижада дунё иқлимининг ўзгариши, энергия қуввати манбаларининг камайиши бутунжаҳон озиқ-овқат танқислиги муаммоси билан ҳамбарчас боғланиб, инсоният олдига улкан муаммоларни қўймоқда.



Бундан ташқари, дунё аҳолисининг муттасили охиб бораётгани сабабли энергияга бўлган талабни мавжуд энергия тизимлари таъминлаб бера олмайдиган вазият юзага келмоқда. Шу боис БМТ бош котиби Пан Ги Мун бошчилигида тузилган мувофиқлаштирувчи гуруҳ 2012 йилни «Барча учун халқаро барқарор энергетика йили» деб эълон қилиб, янги глобал ташаббусни илгари сурди. Ташаббус 2030 йилга бориб урта асосий мақсадга эриштишни мўлжаллаган: замонавий энергетик хизматлардан оммавий фойдаланишни таъминлаш; дунё энергостеммолини 40 фоизга пайсантириш; дунёда қайта тикланувчи энергия манбалари улущини 30 фоизга ошириш.

Бундан ташқари, дунё аҳолисининг муттасили охиб бораётгани сабабли энергияга бўлган талабни мавжуд энергия тизимлари таъминлаб бера олмайдиган вазият юзага келмоқда. Шу боис БМТ бош котиби Пан Ги Мун бошчилигида тузилган мувофиқлаштирувчи гуруҳ 2012 йилни «Барча учун халқаро барқарор энергетика йили» деб эълон қилиб, янги глобал ташаббусни илгари сурди. Ташаббус 2030 йилга бориб урта асосий мақсадга эриштишни мўлжаллаган: замонавий энергетик хизматлардан оммавий фойдаланишни таъминлаш; дунё энергостеммолини 40 фоизга пайсантириш; дунёда қайта тикланувчи энергия манбалари улущини 30 фоизга ошириш.

Бундан ташқари, дунё аҳолисининг муттасили охиб бораётгани сабабли энергияга бўлган талабни мавжуд энергия тизимлари таъминлаб бера олмайдиган вазият юзага келмоқда. Шу боис БМТ бош котиби Пан Ги Мун бошчилигида тузилган мувофиқлаштирувчи гуруҳ 2012 йилни «Барча учун халқаро барқарор энергетика йили» деб эълон қилиб, янги глобал ташаббусни илгари сурди. Ташаббус 2030 йилга бориб урта асосий мақсадга эриштишни мўлжаллаган: замонавий энергетик хизматлардан оммавий фойдаланишни таъминлаш; дунё энергостеммолини 40 фоизга пайсантириш; дунёда қайта тикланувчи энергия манбалари улущини 30 фоизга ошириш.

ўлкаларда 2030 йилгача муқобил энергия манбалари сифатида қуёш фотоенергетикасини қанчалар кенг фойдаланиши имконияти яратилади. Мисол учун, Бирлашган Араб Амириклари ноанъанавий энергетика соҳасидаги энг яхши инновация ишланмалари учун ҳар йили 2,2 миллион доллар қийматидаги грантлар ажратилишига қарор қилган. АҚШ ва Европанинг 40 дан зиёд етакчи компанияларидан иборат иттифоқ эса яқин икки йил ичида 10 миллиард доллар миқдоридаги маблагни экологик тоза технологиялар соҳасига сармоя тарзида киритишни эълон қилган. Бугунги кунда қуёш нурларининг иссиқлик таъсиридан фойдаланиш соҳаси ҳам тобора оммалашиб бораётти. Хусусан, «қуёшли уй»лар қуриши лойиҳаларига катта миқдорда сармоя киритилмоқда. Қуёшдан иссиқлик ва ёруғлик олиш ҳисобига бундай ўйларида бошқарувчи энергия манбаларининг 50-90 фоиз тежалишига эришилади. Бундай ўйлари каби ўрта иқлимда давлатларда ва хаттоки, Швеция, Финляндия, Канада, АҚШнинг Аляска штати каби шимоллий ҳудудларда ҳам удуи бўлмоқда.

Муқобил энергия манбалари сифатида қуёш фотоенергетикасини қанчалар кенг фойдаланиши имконияти яратилади. Мисол учун, Бирлашган Араб Амириклари ноанъанавий энергетика соҳасидаги энг яхши инновация ишланмалари учун ҳар йили 2,2 миллион доллар қийматидаги грантлар ажратилишига қарор қилган. АҚШ ва Европанинг 40 дан зиёд етакчи компанияларидан иборат иттифоқ эса яқин икки йил ичида 10 миллиард доллар миқдоридаги маблагни экологик тоза технологиялар соҳасига сармоя тарзида киритишни эълон қилган. Бугунги кунда қуёш нурларининг иссиқлик таъсиридан фойдаланиш соҳаси ҳам тобора оммалашиб бораётти. Хусусан, «қуёшли уй»лар қуриши лойиҳаларига катта миқдорда сармоя киритилмоқда. Қуёшдан иссиқлик ва ёруғлик олиш ҳисобига бундай ўйларида бошқарувчи энергия манбаларининг 50-90 фоиз тежалишига эришилади. Бундай ўйлари каби ўрта иқлимда давлатларда ва хаттоки, Швеция, Финляндия, Канада, АҚШнинг Аляска штати каби шимоллий ҳудудларда ҳам удуи бўлмоқда.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЫН НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Объектлар номи: 1. Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмасини (ТМК) мукамал реконструкция қилиш ишлари (2014 йилда 45 ўридли юқумли касалликлар бўлимини, паталогоанатомия бюроси, маъмурий бино ва муҳандислик коммуникацияларини реконструкция қилиш ишлари). Бошланғич нархи — 2750 589 000 сўм ҚҚС билан ва 2 292 157 500 сўм ҚҚСсиз. Муддати — 1.08.2014 йил. 2. Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Р.Аминов кўчаси 40-уйдаги 2-сонли виллоят силга қариши шифохонасини реконструкция қилиш ишлари. Бошланғич нархи — 2397 151 700 сўм ҚҚС билан; 1 997 626 417 сўм ҚҚС сиз. Муддати — 01.08.2014 йил. 3. Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Юксалин кўчасидаги 1-оилавий поликлиникасини мукамал реконструкция қилиш ишлари. Бошланғич нархи — 1 467 281 700 сўм ҚҚС билан; 1 222 734 750 сўм ҚҚС сиз. Муддати — 20.08.2014 йил. 4. Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги виллоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини реконструкция қилиш (60 ўридли терапия бўлимига қурилиши, 100 қатновли поликлиника биносини, ёрдамчи бинолари ва нишоотларини мукамал таъмирлаш). Бошланғич нархи — 2 961 163 100 сўм ҚҚС билан; 2467 635 917 сўм ҚҚС сиз. Муддати — 20.08.2014 йил. 5. Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги виллоят паркология диспансерини реконструкция қилиш ишлари (100 қатновли диспансер қурилиши). Бошланғич нархи — 1157 848 700 сўм ҚҚС билан; 964 873 917 сўм ҚҚС сиз. Муддати — 1.08.2014 йил. 6. Фарғона вилояти Беширак тумани Якаттут қишлоғидаги 19-сонли мактабни мукамал реконструкция қилиш ишлари. (630 ўқувчи ўридли ўқув биноси ва 12х24м ўлчамли спортзал қурилиши) Бошланғич нархи — 1 734 542 400 сўм ҚҚС билан; 1 445 452 000 сўм ҚҚС сиз. Муддати — 1.08.2014 йил. 7. Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Гўшт қишлоғидаги 51-сонли мактабни мукамал реконструкция қилиш ишлари (120 ўқувчи ўридли қўшимча ўқув биноси ТП 224-6-47с.04 ва 12х24м ўлчамли спорт зал қурилиши). Бошланғич нархи — 1 058 665 700 сўм ҚҚС билан; 882 221 417 сўм ҚҚС сиз. Муддати — 1.08.2014 йил. 8. Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Қумариқ қишлоғидаги 21-сонли мактабни мукамал реконструкция қилиш ишлари (420 ўқувчи ўридли ўқув биноси ва 12х24м ўлчамли спортзал қурилиши, 320 ўқувчи ўридли ўқув биносини мукамал таъмирлаш). Бошланғич нархи — 1 615 372 600 сўм ҚҚС билан; 1 346 143 833 сўм ҚҚС сиз. Муддати — 1.08.2014 йил. 9. Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани Катта Тағоб қишлоғидаги 37-сонли мактабни мукамал реконструкция қилиш ишлари (210 ўқувчи ўридли ўқув блоқи ва 12х24 метрли спортзал қурилиши). Бошланғич нархи — 1 042 175 750 сўм ҚҚСсиз ва 1 250 610 900 сўм ҚҚС билан. Муддати — 1.08.2014 йил. Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 миллион сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектиларига ўтказиладиган танлов савдolari шартномага қўйилганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади. КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! 10. Фарғона вилояти Рингон тумани Уйрат қишлоғидаги 920 ўқувчи ўридли 6-сонли мактабни мукамал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 1 032 760 300 сўм ҚҚС билан; 860 633 583 сўм ҚҚС сиз. Муддати — 1.08.2014 йил. 11. ЛОТ-4. ЛОТ-4.1 Фарғона вилояти Кува тумани Янгиобод қишлоғидаги 23-сонли мактабни мукамал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 537 077 600 сўм ҚҚС билан; 447 564 667 сўм ҚҚС сиз. ЛОТ-4.2 Фарғона вилояти Ёзёнов тумани Қатортол қишлоғидаги 270 ўқувчи ўридли 20-сонли мактабни мукамал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 281 627 700 сўм ҚҚС билан; 234 689 750 сўм ҚҚС сиз. Муддати — 01.08.2014 йил. 12. ЛОТ-8. ЛОТ-8.1. Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 34-сонли мактабни мукамал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 750 675 500 сўм ҚҚС билан; 625 562 917 сўм ҚҚС сиз. ЛОТ- 8.2. Фарғона вилояти Учқўприк тумани Милтиқчи қишлоғидаги 31-сонли мактабни мукамал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 609 406 500 сўм ҚҚС билан; 507 838 750 сўм ҚҚС сиз. Муддати — 1.08.2014 йил. 13. ЛОТ- 9. ЛОТ-9.1. Фарғона вилояти Бувайда тумани Файзиобод қишлоғидаги 464 ўқувчи ўридли 32-сонли мактабни мукамал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 605 318 400 сўм ҚҚС билан; 504 432 000 сўм ҚҚС сиз. ЛОТ-9.2. Фарғона вилояти Олтариқ тумани Бурбалик қишлоғидаги 10-сонли мактабни мукамал таъмирлаш. Бошланғич нархи — 773 171 900 сўм ҚҚС билан; 644 309 917 сўм ҚҚС сиз. Муддати — 1.08.2014 йил. Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзил: Фарғона шаҳри Темирўлчилар кўчаси 37-уй, тел.:8(373) 400-52-80.

Ошуфта қалб жилоси

ТАСАВУРЛАРДА АКЕ ЭТТАН ОЛАМ

Тасвир... Унинг қудрати шеърда шу қадар юксакки, беихтиёр биз кўриб, сезиб, идрок этиб ўрганган дунё суратини чил-чил синдириб юборади. Кўз ўнгимизда ҳеч қачон кўрмаган дунёни бунёд этади. Бу ўринда унга, шубҳасиз, образ деган жонли тушунча ёрдамга келади. Ҳар бир яхши шеър ҳаёлимиздаги дунё манзарасини бузиб ташлайди, ҳар бир яхши шоир мана шу дунё ўрнида янги бир дунё яратади.

Тўқилади тераклар шавқи,
Ҳеч ким изчил чалмайди қарсақ.
Жануб томон ипи тортилган
Қушчаларнинг қаноти — варрак...
Ўқийтиб, биринчи мисрадан завқланасиз. Худди тўқилаётган тераклар шавқини кўлингизда ушлаб кўргандек роҳатланасиз. Бунинг ҳис қилиш учун мисра сўзларининг ҳолатга шу қадар уйғунлиги сизга кўмаклашади. Сатр тилингизга ўрнашиб қолади. Эҳтимол, худди мөн каби ташқаридаги дунё шовқинини бузиб пичирларсиз: **Тўқилади тераклар шавқи...** Кейинги мисраларга кўз югуртирасиз: **Ҳеч ким изчил чалмайди қарсақ...** Қайта-қайта ўқиб, тушунолмай, тўғрироғи, ҳолатнинг нима айтмоқчи эканини, шоирнинг нима демоқчи эканига ақлим ётмайди. Навбатдаги мисралар эса тасавуридаги тушунчаларга буткул зарба беради: **Жануб томондан ипи тортилган, Қушчаларнинг қаноти — варрак...**

Шу пайтгача кўзда қушларнинг иссиқ ўлкаларга учиб кетиши ҳақидаги "жануб", "қуш", "қанот қоқмоқ" каби сўзлар менинг лугатимда ҳам бор эди. Бу сўзларни туташтириб, чикса онгимда маълум тасаввур пайдо бўларди. Аммо жанубга ипи тортилган қушларнинг қаноти варрак сингари ҳаракатланишини англатувчи "ипи тортилган қушлар", "варрак қанот" каби жумлаларни шоира Ибодат Ражабованинг тасаввур лугати-

дан топдим. Бу мисралар мен билган манзарага буткул ўзгача қиёфа берди.

Тўғриси айтиш керак, Ибодат Ражабованинг шеърларини илк бор ўқиганимда ундаги дунё манзарасини қабул қилолмай қийналдим. Очиги, "...қабул қилсам, ундан маъно топа оламанми?" деб ўйладим:

**Сапоқчўнга: "Бор, сен бўш" дедим,
Санаб кетдим Худо коқилин,
Адашмасдан ичимда пишсам
Ун беш кунки, ой кўнгли ярим!**
Менинг бу банддан топган мазмуним, моҳиятим узук-юлук бўлди. "Ё, ху!", яна "ху" дедим.

**Егулигим дурдай чакмоқ,
То энди мен ёмғир бўлгунча,
Яна ўша Мансур, сочи оқ!**

Бу мисралардан кейин "...менинг ақлий қувватим мазкур шеърнинг маъносини чақа олмайди, кейингиларини ўқишдан не наф?" деган халғла бордим. Бироқ "Егулигим дурдай чакмоқ..." сингари хузурубаш мисралар ўқишга ундайверди. Хузуру илинжида ўқидим. Ва топдим!.. Топмаган маъномдан, мантигимдан туйғу хузуруни топдим. Терак шавқини бармоқларимда ушлаб турган сингари ёрқин, силлиқ, дағаллиги бўлмаган ҳолатлар, манзаралар хузуруни, роҳатини топдим.

Ибодат Ражабова шеърлари янги бир дунё яратиш моҳиятида мен учун чинакам яхши шеър эканини исботлади. Шоира шеърларига оид яна бир

ўзига хослик шунда эканки, уларда асл бухороча туйғулар шеваси бор:

**"Энди мени уйғотар ҳар тонг,
Шивир-шивир шевани ахтар",
"Қушиқ куйлар маъшук чилторлар,
Бухорода кавсарга қоим
Сут қийматин ўзида ўлчар,
Ҳавзюйим, гул ҳавзюйим".**

Хитойлик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори Мо Ян "ҳар бир ижодкорнинг тасаввури учун маълум бир "ватан" лозим", дейди. Бухоро Ибодат Ражабовани нафақат бешигда аллалаган юрт, балки тасаввур, "туйғуларига ҳам ватан" назаримда. Бу "ватанда" дунёга келадиган туйғулар тароватидан шоира шеърлари баҳона яна баҳраманд бўлишдан умидвормиз.

Тилланисо ЭШБОЕВА,
талаба

**Ой йиғлади мен ҳам йиғладим.
Қалинлашиб кетди тонг, туман
Сафсаргулга кўнгирак қилдим:
"Мен кун нурун шимиб, қайтаман..."**

**Бир гапим бор, сочимдай узун.
Ойдин тундан сўраб ичай сут
Ё туш кўрдим, ё сен кўрдингми?
Гуллаб-гуллаб нега кулди тут.**

**Ё у мени тушида кўрди.
Ё бир мисрам учиб кетди — қуш.
Минор эртақ сўйлар:» У хайём,
Бухородан излайди кумуш..."**

**Ўйнаб бердим, жонни ҳам бердим.
Май сузганча юрдим пийда.
Гул япроғи эшигин қоқдим:
«Йиғлаётган ой кўнгли қайда?»**

Она,
Ҳассангизни шамол артади.
Ковушингиз мойланган, тоза.
Сиз кун бўйи йўлим пойлайсиз.
Гоҳ зеркиб кетар дарвоза.


Кўп тешилар сузма халталар.
Ошиб тушар, лагандан хамир.
«Шаҳарга...» деб термай қўйилган.
Новдаларда қурийдн анжир.

Суви қочар сутли кулчанинг.
Гўштқоқини ўғирлар мушук.
«Келса, ер...» деб асралган беҳи
Жаҳл қилиб чиқаради тук.

Хино япроқ халтача қияр.
Исинади сандалда қовун...
«Уйи совук, қишда кияр» деб
Пайпоқларга айланади жуун.

Нафақадан тежаб йиғасиз...
«Пули борми...» сурасиз хайл.
Тўрт-бешта шеър ортидан чопиб
Қиз шаҳарда юрар бемалол...
Мансаблар-ку қиё боқмади.
Зўр шоир ҳам бўлгани қани?
Сиз кетгандан кейин соғинар,
Енглрингиз олмаларини...

Ибодат РАЖАБОВА



Спорт

ЖЧ-2014 га қуръа ташланди

2014 йилнинг 12 июнидан 13 июлига қадар Бразилияда бўлиб ўтадиган навбатдаги футбол бўйича жаҳон чемпионати учун Коста-ду-Сауипе шаҳрида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Куйида гуруҳлар тақсироти эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

А - Гуруҳи		В - Гуруҳи	
№	Жамоа	№	Жамоа
1	Бразилия	1	Испания
2	Хорватия	2	Голландия
3	Мексика	3	Чили
4	Камерун	4	Австралия
С - Гуруҳи		D - Гуруҳи	
№	Жамоа	№	Жамоа
1	Колумбия	1	Уругвай
2	Греция	2	Коста-Рика
3	Кот-д'Ивуар	3	Англия
4	Япония	4	Италия
Е - Гуруҳи		F - Гуруҳи	
№	Жамоа	№	Жамоа
1	Швейцария	1	Аргентина
2	Эквадор	2	Босния ва Герцеговина
3	Франция	3	Эрон
4	Гондурас	4	Нигерия
G - Гуруҳи		H - Гуруҳи	
№	Жамоа	№	Жамоа
1	Германия	1	Бельгия
2	Португалия	2	Жазоир
3	Гана	3	Россия
4	АҚШ	4	Жанубий Корея

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

Сизларни Конституция куни билан табриклайди ва куйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«КОНСТИТУЦИЯ — 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўқон филиали	373	552-61-04

Филиаллар	Код	Телефон
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

"Асака" банк —

сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Сизнинг омонатларингиз:

- » солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- » маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- » эгалик ва тасаруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- » миқдори чекланмаган!

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади



Хизматлар лицензияланган

